



## Legal issues of reducing the environmental impact of construction

Gulrukh MAMARAIMOVA<sup>1</sup>

Higher School of Judges under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received April 2023  
Received in revised form  
15 May 2023  
Accepted 25 May 2023  
Available online  
15 June 2023

**Keywords:**

environmental rights,  
environmental expertise,  
construction standards,  
real estate,  
cadastre,  
construction control,  
public hearing.

### ABSTRACT

This article analyzes the environmental impact of the global construction industry. The author has researched the seriousness of ecological problems and the fact that it takes many years to restore the environment, and ways to prevent them, including the introduction of standards that ensure ecological rights to construction. Also, the national legislation on the procedure for conducting an environmental examination, the legal consequences of the examination, and public hearings in the approval of construction projects when allocating land for any construction were studied, and opinions on the improvement of this area were put forward.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4/S-pp178-183>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Қурилиш ишларининг экологияга таъсирини камайтиришнинг ҳуқуқий масалалари

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

экологик ҳуқуқлар,  
экологик экспертиза,  
қурилиш меъёрлари,  
кўчмас мулк,  
кадастр,  
қурилиш назорати,  
жамоатчилик эшитуви.

Мазкур мақолада дунё миқёсидаги қурилиш саноатининг экологияга таъсири таҳлил қилган. Экологик муаммоларнинг жиддийлиги, экологияни тиклашга узоқ йиллар сарфланишидан келиб чиқиб, уларни олдини олиш йўллари, жумладан қурилиш стандарларига экологик ҳуқуқларни таъминловчи стандартларни жорий қилиш масалалари ўрганилган. Шунингдек, ҳар қандай қурилиш учун ер ажратилганда экологик экспертиза ўтказиш тартиби, экспертизанинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда қурилиш лойиҳаларини тасдиқлашда жамоатчилик эшитуви бўйича миллий қонунчилик ўрганилган ва мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазалар илгари сурилган.

<sup>1</sup> Master degree student, Higher School of Judges under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan.  
E-mail: [g.mamaraimova@tsul.uz](mailto:g.mamaraimova@tsul.uz).

## Правовые аспекты снижения воздействия строительства на окружающую среду

### АННОТАЦИЯ

#### Ключевые слова:

экологические права,  
экологическая экспертиза,  
строительные нормы,  
недвижимость,  
кадастр,  
строительный контроль,  
общественные слушания.

В данной статье анализируется воздействие мировой строительной индустрии на окружающую среду. Исходя из серьезности экологических проблем и того факта, что на восстановление окружающей среды уходят многие годы, были изучены пути их предотвращения, в том числе введение норм, обеспечивающих экологические права на стандарты строительства. Также изучено национальное законодательство о порядке проведения экологической экспертизы, правовых последствиях экспертизы, общественных слушаний при согласовании проектов строительства при отводе земельного участка для строительства. Свою очередь автор выдвинул мнения по совершенствованию этого направления.

Бугунги кунда сайёрамизни иқлим исиши, ичимлик суви танқислиги, қурғоқчилик, яшил ҳудудларнинг қисқариши, табиат хилма-хиллигининг йўқолиб кетаётгани ва бошқа глобал экологик муаммолар қийнамоқда.

Мазкур муаммоларнинг вужудга келиши ва ривожланишида дунёда амалга оширилаётган қурилишларнинг ҳам сезиларли ҳиссаси бор десак янглишмаган бўламиз. Хусусан, ҳавога ажралиб чиқаётган карбонат ангидриднинг 40%ини бино ва иншоатлардан ажралиб чиқаётган иссиқлик газлари ҳамда қурилиш материалларини тайёрлаш жараёнида ҳавога ажралаётган ис газлари ташкил этади. Шунга қарамасдан, қурилиш саноати дунёдаги ишчи кучининг 7%ини иш билан таъминлаб келаётганлиги ҳамда кўчмас мулк глобал активларнинг 60% ташкил этиши [1], бу икки соҳани бир-бирига интеграция қилишни, яъни атроф муҳитга зарар етказмаган ҳолда қурилиш саноатини ривожлантириш муҳим вазифалардан эканлигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, қурилиш меъёрларига қурилишлар амалга оширилаётганда экологияга зарар етказиши мумкин бўлган омилларни камайтирадиган стандартларни жорий қилиш лозим.

Соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган қурилиш меъёрларининг жорий этилиши экологияга қурилиш саноати томонидан етказилаётган зарарларни камайтириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бунга сабаб, дунё бўйича ноқонуний қурилишларнинг ривожланганлигидадир. 2019 йилнинг статистик [2] маълумотларига қараганда сайёра бўйича бир миллиарддан ортиқ аҳоли норасмий аҳоли пунктларида яшаб келмоқди. Бу рақамлар ҳозирги кунда экологик муаммолар қанчалик долзарб бўлса, аҳолининг турар-жойга бўлган ҳуқуқлари ҳам етарли даражада таъминланмаганлиги, шунингдек дунё бўйлаб бир миллиарддан ортиқ аҳолини ўзига сиғдирган норасмий, яъни ноқонуний аҳоли пунктлари мавжудлиги ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам долзарблигини кўрсатиб беради.

Ўз навбатида ноқонуний қурилмалар дегани бу қурилишга оид стандартларига амал қилинмаганлигини, жумладан қурилиш ишларини амалга оширишда атроф муҳитга зарар етказмаслик талабларига ҳам риоя қилинмаган бўлиши мумкинлигини англатади.

2022 йилда Мисрда ташкил қилинган илмий анжуманнинг маълумотлари[3]га қараганда 2021 йил якунлари бўйича қурилиш саноати энергия талабининг 34%ини, ҳавога CO<sub>2</sub> эмиссиясининг 37 % ини ташкил қилган. Бу рақамлар қурилиш саноатининг экологияга салбий таъсири бўйича ҳали бирор-бир ижобий натижага эришилмаганини англатади.

Қолаверса, шаҳарларда ҳаво айланишининг сустлиги туфайли диаметри 4-10 микрон бўлган чанглр 1 км гача кўтарилиб, радиуси 10 км бўлган майдонга тарқалади. Диаметри каттароқ (10 микрондан катта) бўлган чанглр унча юқорига кўтарилмай атрофга ёйилиб, 300-500 м баландликларда учиб юради ва сўнгра шаҳарга чанг, қурум сифатида қайтиб тушади. Париж шаҳрининг 1 кв.км юзасига 260 тонна, Нью-Йоркда 300 тонна, Токиода – 408 тонна, Москвада 120 тонна қурум, чанг тушади [4].

Катта шаҳарларда атмосферанинг чанг, қурум, газ ва тутунлар билан ифлосланиши туфайли қуёшнинг тўғри радиацияси 40% гача камаяди. Шаҳар ҳавосининг ифлосланиб чанг-тўзон миқдорининг кўпайиши ультрабинафша нурларнинг ўтишини камайтиради, бу эса ҳавода касал тарқатувчи бактерияларнинг кўпайишига шароит яратади. Шаҳарлар ҳавосининг чанг, қурум ва бошқа қаттиқ заррачалар билан ифлосланиши конденсация ядроси вазифасини ўтайди. Натижада, шаҳар устида туманли кунлар кўпайиб, ёғин миқдори ортади. Масалан, Самарқанд шаҳрида бир йилда 14 кун туман бўлиб, 328 мм ёғин тушса, унинг атрофидаги қишлоқ районларида 8 кун туман бўлиб, 317 мм ёғин ёғади.

Биз ўйлаймизки юқоридаги экологик муаммоларнинг ечимига қурилиш ишларини тўғри ташкил қилиш билан қисман ечим беришимиз мумкин. Хусусан, қурилиш ишларини амалга оширишда ҳозирги экологик муаммоларни инобатга олиб тўғри архитектор ечимлар қилинишини тақозо қилади. Яъни, шаҳарларнинг бош режаларини тасдиқлаш орқали аҳоли пунктида шундай бинолар жойлашинувига эришишимиз керакки, бу билан аҳоли пунктида шамол айланиши ҳамда қуёш нурларининг тўғри тушиши ва бошқа соғлом атроф-муҳит параметрларини таъминлай олишимиз лозим.

Мамлакатимизда қурилиш стандартларига соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларни кафолатловчи стандартлар жорий қилиш масалалари йилдан-йилга кучайтирилиб бормоқда. Республикаимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг юртимиз экологиясига салбий таъсири билан боғлиқ ҳолатлар сўнгги йилларда тез-тез кузатилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилишларнинг пойтахт ҳавосини ифлосланиши ва пойтахт яшил ҳудудларнинг кескин қисқариб кетиши сезиларли ҳиссаси борлигини кўпчилик инкор қилмайди.

Бу ўз навбатида, қурилиш саноатимизнинг атроф-муҳитга жиддий таъсири қурилиш ишларини амалга оширишда экологик стандартларга амал қилиш ва уни қурилиш меъёерларига жорий қилиш республикаимизда ҳам долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурганидан далолатдир.

Кунини кеча мамлакатимиз қонун чиқарувчи органининг юқори палатаси – Сенатда навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди [5] ва унда дарахтларни кесиш, шикастлантириш, йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мазкур муҳокама мамлакатимиз қурилишга оид қонунчилигига экологик ҳуқуқлар билан боғлиқ стандартларнинг кириб келаётганлигидан далолат беради.

Қурилишнинг экологияга салбий таъсирини минималлаштириш учун қурилиш стандарлари таркибидаги экологик хавфсизлик талабларини кучайтириш ҳамда атроф-муҳитга нормал ҳолатда етказилиши мумкин бўлган хавфларни камайтирувчиларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмларини жорий қилиш зарур. Масалан, Японияда чиқиндиларни қайта ишлаш яхши йўлга қўйилган. Сабаби, давлат ҳар қандай экологик тадбирларни қўллаб қувватлайди. Бунини натижасида Японияда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 0,3 % ўта хавфли саналади. Бу кўрсаткич АҚШда 41% ни, Венгрияда 33,5%, Францияда 6%, Буюк Британияда 3%, Италия 0,3% ни ташкил этади [4].

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам қурилишга ер ажратиш лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш йўлга қўйилган, унда қурилиш натижасида экологияга етказилиши мумкин бўлган зарарлар баҳоланади. Мазкур экспертизада экологияга нисбатан салбий таъсирларни камайтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб қувватлаш ҳамда қурилиш лойиҳалари бўйича тендир танловларида экологик параметрларни инобатга олиш ва ҳатто устунлик бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Қурилиш ишларини амалга оширишда атроф-муҳитга етказиладиган зарар миқдорини камайтириш мақсадида экологик экспертиза ҳам ривожланиб келмоқди. Мамлакатимизда 2000 йил 25 майда “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг 11-моддасига кўра барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларни ажратиш материаллари давлат экологик экспертизасининг объекти эканлиги белгилаб қўйилган [7].

Мазкур қонунга кўра мамлакатимизда давлат экологик экспертизаси маркази ташкил қилинган бўлиб у мамлакатимизда давлат экологик экспертизасини ўтказиб келади.

Давлат экологик экспертизаси – мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини ва экологик экспертиза объектини реализация қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказиладиган экологик экспертиза тури бўлиб, прогноз қилинаётган хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилишгача бўлган босқичда ушбу фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини, атроф табиий муҳитнинг ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган мўлжалланаётган ва амалга оширилаётган хўжалик ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мамлакатимизда қурилишни амалга оширишда атроф-муҳитга нисбатан бўлган хавфларни минималлаштириш, шунингдек уларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2019 йилдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси 7.09.2020 йилдаги “Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш механизминини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 541-сон қарори қабул қилинди.

Юқоридаги ҳуқуқий ислохотлардан сўнг қурилиш объектларини экологик экспертиздан ўтказилганда у бўйича хулосалар <https://eco-service.uz> сайтига жойлаб борилади. Қурилиш лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертиз маълумотлари очиқ бўлиб у билан исталган вақтга танишиш мумкин.

Шунингдек, лойиҳалаштирилаётган қурилиш объектларининг атроф муҳитга таъсир хавфи даражасидан келиб чиқиб уларнинг тоифлари белгиланди. Булар атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори (I тоифага мансуб), ўртача (II тоифага мансуб) ва паст даражада хавфли (III тоифага мансуб), шунингдек, маҳаллий даражада таъсир кўрсатувчи (IV тоифага мансуб) ва давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати қонунчилик билан белгилаб қўйилди.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби билан боғлиқ расмийлаштириш жараёни тўлиқ электронлаштирилди. Давлат экологик экспертизадан ўтказиш учун ҳар йили тақдим этиладиган 30 мингга яқин ҳужжатларнинг электрон алмашинуви тизимини яратилди.

Энг муҳими атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг хавфи юқори объектларни қуришдан олдин уларнинг лойиҳалари жамоатчилик эшитуви ўтказилиш тартиби жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарори билан Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик эшитувларидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинди.

Мазкур низом давлат экологик экспертизаси ўтказилгунга қадар мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалда фаолият кўрсатаётган атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказишни тартибга солади.

Жамоатчилик эшитуви ўтказиш натижасида назарда тутилаётган ҳудудда мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш, шунингдек, амалда фаолият юритаётган хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга таъсирини камайтириш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Амалдаги тартибга кўра жамоатчилик эшитуви манфаатдор томонларнинг камида ўн нафар вакиллари иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Бироқ, жамоатчилик эшитувида 10 вакилнинг иштироки бу эшитувнинг ўтказилишига етарли ҳисобланишини қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Агар назарда тутилаётган ҳудудда мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятини жамоатчилик томонидан рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, буюртмачи рад этиш сабабларини бартараф этиб, шунингдек, жамоатчилик эшитувининг мулоҳазаларини назарда тутиб, жамоатчилик эшитувини ўтказиш учун ҳужжатларни қайтадан тақдим этиши мумкин.

Буюртмачи томонидан мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш материаллари бўйича тақдим этилган ёлғон маълумотлар асосида қабул қилинган жамоатчилик эшитувининг қарори давлат экологик экспертизасини ўтказишда ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ижобий хулоса берилиши рад этилишига олиб келади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадикки мамлакатимизда экологик экспертизани амалга ошириш давлат хизматининг бир тури сифатида қолиб келмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида экологик экспертизалар нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиб келмоқда.

Грузиянинг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунига кўра, экологик экспертиза – атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш ёки қурилиш учун рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида амалга ошириладиган мажбурий экологик тадбирдир [8]. Грузия қонунчилигага кўра экологик экспертиза муайян ҳолатлар бўйича сўровга қараб ўтказилиши мумкин. Миллий қонунчилигимизда экологик экспертиза ўтказиш мажбурий бўлган ҳолатлар белгилаб қўйилган, ундан ташқари ҳолатлар бўйича экологик экспертизалар ўтказиш тўғрисида аниқ механизмлар белгиланмаган. Шунингдек, Грузия қонунчилиги[8]га кўра экологик экспертиза фақат давлат томонидан амалга оширилмасдан, бу экспертизани ўтказиш ҳуқуқи хусусий секторга ҳам тақдим этилган.

Экологик экспертиза ўтказиш ҳуқуқларини хусусий секторга ўтказган мамлакатлардан яна бири бу Россия Федерацияси ҳисобланади. Россия қонунчилигига кўра мамлакатда ихтиёрий экологик экспертизалар ўтказиш механизмлари жорий қилинган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Human Rights and the Built Environment - A Call for Action. 22 JULY 2019// <https://www.ihrb.org/focus-areas/built-environment/commentary-human-rights-and-built-environment-call-for-action>.
2. Human Rights and the Built Environment - A Call for Action. 22 JULY 2019// <https://www.ihrb.org/focus-areas/built-environment/commentary-human-rights-and-built-environment-call-for-action>.
3. CO2 emissions from buildings and construction hit new high, leaving sector off track to decarbonize by 2050: UN. 9 NOVEMBER, 2022. // <https://www.unep.org/news-and-stories/press-release/co2-emissions-buildings-and-construction-hit-new-high-leaving-sector>
4. С.Газиначарова, И.Ахмедов, Б.Мухамедғалиев, А.Ҳожиёв. Экологик хавфсизлик.Ўқув қўлланма. – Тошкент, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2009 йил. – Б. 102.
5. Ўзбекистон Республикаси Сенатининг расмий сайти: <https://senat.uz/oz/post/post-729>.
6. С.Газиначарова, И.Ахмедов, Б.Мухамедғалиев, А.Ҳожиёв. Экологик хавфсизлик.Ўқув қўлланма. – Тошкент, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2009 йил. – Б. 102.
7. Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 144-модда.
8. Закон Грузии Об экологической экспертизе // <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/20212/4/ru/pdf>